

Ёш мусулмон талаба «Rose» стипендияси билан тақдирланди



14:38 / 30.05.2023 942

Ёш мусулмон ҳуқуқшунос талаба нуфузли таълим даргоҳи ҳисобланган адвокатлик ўқув курсида таҳсил олиш учун стипендияни қўлга киритди. Бу ўз навбатида таълим тўловларисиз билим олиш имконини беради. Бу ҳақда Argus манбаси маълум қилди.

«Тўғриси, бу совринни қўлга киритганимга ҳеч ишона олмаяпман. Ҳозирги кунда bradfordlik талабаларни бу каби совринларни қўлга киритганини деярли учратмайсиз. Мен буни уддалаганимдан жуда мамнунман» дейди Рухсор Жаҳонгир. — Адвокатлик курслари кўп жойларда топилмайди. Мен бу мукофотни ўз истагим билан қўлга киритдим.

Рухсор Huddersfield университети ҳуқуқ факультетининг учинчи босқич талабаси. У Middle Temple Inn томонидан £21,500 Rose стипендияси билан тақдирланган. Катта миқдордаги маблағ Рухсорга тўлиқ вақтини ва салоҳиятини ўқув курсига бағишлашга имкон беради, чунки мукофотнинг £7,000 ўқиш пайтидаги шахсий харажатларини қоплаш учун ишлатилади.

«Ота-онам бу хабарни эшитиб ва мен билан фахрланишганини айтишди. Аввалига улар бунга ишона олмадилар. Онам айниқса жуда ҳиссиётга

берилиб кетгандилар», дейди у. — Улар доим мени қўллаб-қувватлашган ва янги имкониятларни қўлга киритишга ундайдилар. Онам ҳар доим менга: «Сен бу ҳаётда эришолмайдиган ҳеч нарса йўқ» деб айтади.

Рухсор умид қиладики, унинг бу мукофоти bradfordlik бошқа кўплаб талабаларни ҳам шундай стипендияларни олишга илҳомлантиради ва ўз соҳаларида юқори мансабларга эришишига ёрдам бера олади.

2022 йил бошида суриялик 19 ёшли мусулмон талаба Лава Ҳажи Голландияда 2022 йилнинг энг яхши талабаси деб топилган эди. Нигериянинг Лагос шаҳридан келган Фаредах Оёлола 2021 йил август ойида John Hopkins иқтидорли ёшлар маркази томонидан дунёдаги энг яхши талабалардан бири деб топилган эди.